



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил "10" \_\_\_\_\_ ИЯН

№ 1080

Янгибозор шаҳарчаси

**Боғолон қишлоғидаги "Муҳаббат  
узум боғи" фермер хўжалигига  
қўшимча ижарага ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, "Муҳаббат узум боғи" фермер хўжалиги раҳбари Хаитбаева Гулчехранинг қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.
2. Боғолон қишлоғидаги "Муҳаббат узум боғи" фермер хўжалигига Боғолон қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги №278, 279-контурларида жойлашган умумий ер майдони 1,9 гектар, шундан суғориладиган экин ери 1.0 гектар, тутзорлар 0,5 гектар, қурилишлар 0,4 гектардан иборат ер участкаси қўшимча ажратиб берилсин.
3. "Муҳаббат узум боғи" фермер хўжалиги ҳисобида Боғолон қишлоғининг № 109к, 113к, 327, 331к, 280к, 278, 279-контурларида жойлашган умумий ер майдони 12.3 гектар, шундан суғориладиган экин ери 4,2 гектар, боғзорлар 0,4 гектар, узумзорлар 2,5 гектар, тутзорлар 2,4 гектар, ариқ ва зовурлар 0,4 гектар, қурилишлар 0,4 гектардан иборат ер майдони эканлиги қайд қилинсин ва боғдорчилик йўналишида фаолиятини давом қилдиришга рухсат қилинсин ҳамда ижара муддати (39 йил) қилиб белгилансин.



4. "Мухаббат узум боғи" фермер хўжалигига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Г.Хаитбаева ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

5. "Мухаббат узум боғи" фермер хўжалиги раҳбари Г.Хаитбаевага:

- туман ҳокими билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;
- 2020 йил ҳосили учун сарфланган харажатлари, етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган бошқа хизматлар бўйича юзага келган қарздорликларни ҳамда 2020 йил ғалла ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитларни уч томонлама далолатнома асосида қабул қилиб олиш;
- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун бошокли дон ва пахта хомашёсини сотиш бўйича контрактация шартномаларини тузиш ва назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш;
- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;
- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;
- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;
- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

6. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов